

Баҳром Орзиқулов
Ўз МУ илмий тадқиқотчиси

Зиёрат туризмнинг моҳияти ва унинг ижтимоий-маънавий тавсифи хусусида

Аннотация: мақолада зиёрат туризмнинг моҳияти ва унинг ижтимоий-маънавий тавсифи баён қилинган. Унда Ўзбекистонда зиёрат туризмнинг кишиларни маънавий-ахлоқий ривожлантиришдаги ўрни, имкониятлари ва истиқболлари хусусида сўз юритилган.

Калит сўзлар: зиёрат, зиёрат туризми, ижтимоий-маънавий, объект, ёдгорликлар, диний, маҳаллий, республика, халқаро, инфратузилма, маданият, иқтисодий.

Аннотация: В статье раскрывается сущность паломнического туризма и его социально-духовная характеристика. В нем изложено о роли, возможностях и перспективах паломнического туризма в духовно-нравственном развитии народа Узбекистана.

Ключевые слова: паломничество, паломнический туризм, социально-духовный, объект, памятники, религиозный, местный, республиканский, международный, инфраструктура, культура, экономический.

Annotation: The article describes the essence of pilgrimage tourism and its socio-spiritual description. It spoke about the role, opportunities and prospects of pilgrimage tourism in the spiritual and moral development of people in Uzbekistan.

Keywords: pilgrimage, pilgrimage tourism, socio-spiritual, object, monuments, religious, local, republican, international, infrastructure, culture, economic.

1. Долзарблиги:

Туризм соҳаси мамлакат ижтимоий-маънавий ҳаёти, унинг иқтисодий тараққиёти ҳамда дунё миқёсидаги обрўсини оширишга хизмат қилувчи муҳим тармоқлардан бири ҳисобланади. Ҳар қандай мамлакат ўзининг ички имкониятлари, салоҳияти, географик жойлашуви, ижтимоий-иқтисодий ҳолати, тарихи ва бугунги кунидан келиб чиқиб туризмнинг турли йўналишларини ривожлантиради. Бугунги кунда дунё миқёсида “экотуризм”, “спорт туризми”, “экскурсия туризми”, “экстремал туризм”, “гастрономик туризм”, “маданий туризм”, “зиёрат туризми” сингари йўналишлар тобора ривожланиб бормоқда.

Social Science Analysis

Ўзбекистон ҳам дунёнинг муҳим цивилизация бешикларидан бири сифатида, азалдан жаҳон тамаддуни ва ривожига улкан ҳисса қўшиб келган, улкан моддий-маданий меросга эга давлатлардан биридир. Дунёнинг бошқа минтақаларида бўлгани сингари мамлакатда туризмнинг турли йўналишлари тобора ривожланиб бормоқда. Бу борада давлатимиз ўзига хос тажриба орттириб, ички ва халқаро туризм соҳаларига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратмоқда.

2. Методлар:

Мақола таққослаш (*comparative analysis*), объективлик, анкета-сўровнома, социологик сўров ўтказиш, тизимли таҳлил, ижтимоий-сиёсий, маънавий воқеа ва ҳодисаларни хронологик асосда ўрганиш, манба ва даллиларга таянилган ҳолда ёзилди. тизимлаштириш, қиёсий таҳлил, муаммовий-хронологик ҳамда фанлараро ёндошув каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилган. Шунингдек, мақолада тизимлаштириш, қиёсий таҳлил, муаммовий-хронологик ҳамда фанлараро ёндошув каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижалари:

Туризмнинг янги йўналишлари сифатида, айниқса иқтисодий самара бериши мумкин бўлган соҳаларидан бири, бу зиёрат туризмидир. Зиёрат туризми ҳар бир ҳудуднинг иқтисодий ҳолатини яхшилаш, халқнинг ижтимоий-маънавий турмуш тарзини ташкил этиш учун қулай соҳалардан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда республикамизда туризмини кенг тарғиб қилиш, ўрганилмаган маданий мерос объектларини давлат рўйхатига киритиш, республиканинг туристик имкониятларидан кенг қамровли фойдаланиш борасида анчагина тажриба тўпланиб, бу борада амалий ишлар қилинди. Бунинг яққол исботи сифатида 2019 йил феврал ойида Бухоро шаҳрида “Зиёрат туризми бўйича биринчи халқаро форуми” ташкил этилгани муҳим воқеа бўлди[1. <https://www.gazeta.uz.>]

Чунки, зиёрат туризми объектлари ҳар бир халқнинг миллий қадриятларини, моддий ва маънавий маданиятини ўзида мужассам этадиган муқаддас жойлар сифатида муҳим аҳамият касб этади. Инсон онгида маънавий қарашларни

Social Science Analysis

шакллантириш ва ривожлантиришда, уни кишилар онгига сингдиришда тарихий - маданий ёдгорликларнинг ўрни катта. Барча соҳаларда улкан ислоҳотлар ва янгиланишлар амалга оширилаётган ҳозирги даврда мамлакатимизда зиёрат туризмини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратила бошланди. Кейинги йилларда матбуотда ва кундалик мулоқотда “зиёрат туризми”, тушунчасини қўллаш кенг оммалаша бошлади. Бу эса ушбу соҳага давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганлигидан дарак беради.

Энди зиёрат ва зиёрат туризми тушунчаларининг маъноси хусусида. Зиёрат тушунчаси ҳақида Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида келтирилишча, муқаддас жойларга, мазор ва қабристонларга бориб муайян расм-русумларни бажариб келиш, деб таърифланган. Исломи дини ақидасига кўра, азиз-авлиёларнинг мақбараларига зиёрат учун борганда уларнинг руҳларидан мадад сўрашлик, ҳожатлар раво қилиниши, дардларга шифо берилиши, фарзанд ато этилиши каби илтижолар ножиоздир. Чунки бу каби амалларни рўёбга чиқариш фақат Аллоҳнинг ихтиёридадир. Зиёрат қилинувчилар пайғамбар бўладими, авлиё ёки тариқат шайхи бўладими, улардан нажот сўраш ўрнига ҳақларига дуойи хайр қилиш, садақа эҳсон савобларини уларнинг руҳларига ҳадя этиш ўринлидир. Исломида шахсга сиғиниш ширк саналади. Муҳаммад (сав) ўзларининг бир ҳадиси шарифларида айтганлар: «Қабристонларни зиёрат қилиб турингизлар, зеро у охиратни эслатади». Охиратни эслаш эса кишини ёвузликдан узоқлаштириб, эзгуликка яқинлаштиради, дейилади[2. 95 б].

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ёзилишича, зиёратчи, бу муқаддас жойларга зиёратга борган ёки боровчи киши тушунилиб, зиёратдан қайтганлар ўша жойлардан эсдалик совғалар келтирганлар[3. 148 б].

Зиёрат туризмининг моҳиятига келсак, ушбу соҳа мамлакатимиз ижтимоий ҳаёти ҳамда халқимиз маънавий ҳаётига янги термин сифатида яқин йилларда кириб келди, яъни тилимизда муҳим истеъмол терминига айланди. Туризм мутахассислари мусулмонларнинг диний талабларидан чиқмаган ҳолда ҳар қандай

Social Science Analysis

сабаб билан саёҳат қилишларини барча учун бирдай тушунарли бўлиши учун қандай номланиши устида фикрлар билдирганлар.

Яъни, бу борада турлича фикрлар асосида турли атамаларни қўллаш масаласи ўртга ташланди. Бундайталиф этилган тушунчалар оқаторида зиёрат туризми, исломий туризм, диний туризм, шаръий туризм, ҳалол туризм ва ҳоказоларни келтириш ўринли.

Аммо, юқоридаги атамаларнинг барчасининг айрим муаммоли жиҳатлари ҳам мавжуд. Яъни, масалан, зиёрат туризми дейилганда, кўпчилик мусулмонлар фақат ҳаж ва умра зиёратларини тушунадилар, исломий туризм ва диний туризм саёҳат ва дам олишни қамраб олмайди, барча саёҳат ҳам тўлалигича шаръий бўлмаслиги мумкин ва ҳоказо. Турли баҳс ва мунозара, диний соҳа ва туризм мутахассисларининг фикрларидан келиб чиқиб Muslim-friendly travel (мусулмонлар учун қулай туризм) атамаси маъқул кўрилган [4. <https://azon.uz/content/views/ziyosat-turizmi-islomiy-turizm-diniy-tur>].

Ғарб адабиётларида эса ушбу атамага берилган таъриф сал бошқачароқ бўлиб, жумладан А. Бабкиннинг фикрича, зиёрат туризми- турли хил конфессияларнинг ўз динига бўлган ҳурмати ва эътиқоди нуқтаи-назаридан муқаддас қадамжолар, шаҳарлар, қабристон ва азиз саналган масканларга зиёрат қилиш [5. 2008. – С. 11-12. <http://uletaemru.ru>] ни билдиради, деб ёзади.

Ўзбекистон Республикасининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида” ги қонунида эса зиёрат туризми ҳақида унда нафақат диний уламо ва авлиёлар мангу қўним топган жойлар, муқаддас саналади, балки диққатга сазовор жойлар — инсон ва табиат ижодининг муштарак маҳсули, шунингдек тарихий, археологик, шаҳарсозлик, эстетик, этнологик ёки антропологик қимматга эга бўлган ҳудудлар ва турли маросимлар бажо этиладиган жойлар ҳам бундай жойлар жумласига кириши қайд этилади [6. 2004 й].

Демак, зиёрат туризми объектлари бўлган зиёратгоҳлар моддий-маданий мерос объектлари, ёдгорликлар сифатида аҳолининг азалий орзу-умидлари, истаклари ва урф-одатларини ўзида мужассамлаштирган ғоялар мажмуаси

сифатида асрлар оша халқни эзгулик сари чорлаб келган, уларнинг маънавий қарашларини шакллантирган. Халқимиз рухий эҳтиёжини қондириш ва диний нуқтаи назардан таскин топиш йўлида турли қадамжо ва зиёратгоҳларга ташриф буюради ҳамда у ерда турли маросимларни бажариб, бу борадаги зиммасига тушган вазифаларни бажарганлик ҳиссини ўзида шакллантиради, дея қайд этади Ф.Ақчаев [7. 55 б].

Ижтимоий-маънавий жиҳатдан ёндашилса, аслида зиёратгоҳларнинг барчаси ижтимоий-маданий ҳамда маънавий қимматга эга ёдгорликлардир. Яъни, ёдгорликлар бу, тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган айрим иморатлар, бинолар ва иншоотлар, улар билан боғлиқ бўлган рассомлик, хайкалтарошлик, амалий безак санъати асарлари ҳамдир [8. 2001. 9-10 сон]. Уларнинг барчаси маданий мерос объектлари саналади. Бундай маданий мерос объектларига моддий ва номоддий маданий мерос объектлари кирса, моддий-маданий мерос объектлари-тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган ансамбллар, диққатга сазовор жойлар ва ёдгорликлар киради.

Номоддий маданий мерос объектларига тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган урф-одатлар, халқ ижодиёти (сўз, рақс, мусиқа, томоша санъати), шунингдек улар ҳамда халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати билан боғлиқ билимлар, кўникмалар, асбоб-анжомлар, артефактлар, маданий маконларни ҳам киритиш мумкин.[9. 2001. 9-10 сон].

Афсуски, кейинги пайтларда бебаҳо маданий меросимиз бўлган айрим зиёратгоҳларимиз ва тарихий обидаларимизга маданий мерос, яъни қадрият сифатида муносабатда айрим салбий ҳолатлар ҳам учрамоқда. Масалан, уларга зарар етказиш ҳолатлари учраётгани бу борада соҳага эътибор сусайганидан далолат беради. Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида бу иш нафақат Маданият вазирлиги, балки маҳаллий ҳокимликлар, маҳалла, оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчиликнинг ҳам диққат марказида бўлиши кераклиги, ҳукумат

Social Science Analysis

олдига маданий мерос объектларининг ҳисобини юритиш, сақлаш ва ҳимоясини таъминлаш бўйича алоҳида дастур қабул қилиш вазифаси юклатилганлиги бой меросимизга давлат даражасида эътибор қаратилаётганлигидан далолатдир [10. 2020 й. 30.12].

Шу боисдан ҳозирги глобаллашув даврида мамлакатимиз ва халқимизнинг бой моддий ва маънавий мероси ҳисобланган зиёрат туризмнинг жамият ижтимоий-маънавий ҳаётимизда тутган ўрни борасида илмий тадқиқот ишларини жадаллаштириш ижтимоий фалсафа йўналиши учун ҳам асосий тадқиқот объекти ҳисобланади. Бунда илмий тадқиқот ишини ижтимоий-маънавий жиҳатдан ёритишда қуйидаги икки жиҳатни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Бизнингча, зиёрат туризми мавзусини ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан илмий тадқиқ этишда маълум назарий-методологик тамойиллар, илмий ҳамда ғоявий асосларга таяниш муҳим аҳамият касб этади.

Бунда қуйидаги йўналишларга эътибор бериш зарур:

- зиёратгоҳлар ва зиёрат туризми йўналишига халқнинг миллий ва умуминсоний қадрияти ҳамда муқаддас маънавий мероси сифатида қараш лозим;

- зиёратгоҳлар ва уларда мужассамлашган моддий ва маънавий меросимизга чуқур ҳурматда бўлиш, уларнинг ижтимоий ҳаётимизда содир бўлаётган жараёнлар нуқтаи назардан тадқиқ этиш муаммоси маълум диалектик қонуниятларга асосланишини тўғри англаш муҳим;

- зиёрат туризми инсонлар онгида ижтимоий-маънавий меросга ҳурмат туйғусини шакллантирувчи муҳим манба, халқни ғоявий-мафкуравий жиҳатдан жипслаштирувчи соҳа эканлигини тўғри тушуниш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ижтимоий-фалсафий йўналишда зиёрат туризмнинг ижтимоий-маънавий хусусиятлари борасида илмий тадқиқотларни ташкил этишда муқаддас зиёратгоҳларнинг ўрни катта, чунки улар мавзу учун асосий тадқиқот объекти ҳисобланади. Умуман, бундай зиёратгоҳларсиз мазкур мавзу доирасида масалани

илмий тадқиқ этиб бўлмайди. Чунки, илмий тадқиқотлар ҳам асосан зиёратгоҳларни тадқиқ этиш, мазкур масканларга кишиларнинг зиёрат уюштиришларини тўғри ташкил этиш ва тўпланган илмий маълумотлар асосида илмий тадқиқотларни олиб боришни тақоза этади. Бу эса маълум илмий таҳлиллар орқали амалга оширилади.

Айрим тадқиқотчилар тарихий-этнографик ҳамда ижтимоий-маънавий жиҳатдан зиёратгоҳлар, яъни зиёрат туризми объектларини қуйидаги икки турга бўладилар:

Биринчиси, исломгача шаклланган зиёратгоҳлар;

Иккинчиси, ислом дини билан боғлиқ зиёратгоҳлар[11. 2018 й, 2019 й].

Биринчи турга мансуб зиёратгоҳлар (зиёрат туризми объектлари) ўзида исломгача бўлган эътиқод ва қарашларни акс эттириб, турли нарса ва буюмларни муқаддаслаштириш ёки уларга топиниш элементлари учрайди. Масалан, мақбара ёки қабрни айланишда афсунгарлик удумларинининг бажарилиши, вафот этган шахснинг руҳига бўлган эътиқод, яъни анимизм изларини учратиш мумкин бўлса, қабрлар ёки зиёратгоҳдаги турли буюмларни тавоф қилишда қадимги тотемизм, фетишизм, зардуштийлик элементларини кузатишимиз мумкин.

Иккинчи турга мансуб зиёратгоҳлар (зиёрат туризми объектлари) ислом дини билан боғлиқ ҳолда шаклланган зиёратгоҳлар бўлиб, улар асосан машхур диний уламо ва авлиёлар номи билан боғлиқ ҳолда шаклланган. Чунки, зиёрат туризми ривожланиши учун ўша давлатда энг авваломбор бой маънавий мерос объектлари, муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳлар бўлиши зарур. Чунки, зиёратгоҳлар инсонлар кўп тўпланадиган, маънавий покланадиган, диний-маърифий масканлардир. Ўзбекистонда юзлаб бундай катта-кичик масаканлар мавжуд бўлиб, улар қаторида Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имоми ат Термизий, Дорус Саодат, Шоҳи Зинда, Амир Темур, Ҳазрати Имом (Хаста Имом), Занги Ота, Каффол Шоший, Баховиддин Нақшбанд, Абдуҳолик Ғиждувоний, Паҳлавон Маҳмуд, Юсуф Ҳамадоний, Султон Увайс, Абу Ҳасан Нурий (Нурота)

каби йирик зиёрат туризми объектларини алоҳида келтириб ўтиш мумкин. Ушбу муқаддас масканларга ҳар йили минглаб ватандошларимиз ва хорижлик сайёҳлар ҳамда меҳмонлар ташриф буюрадилар.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг: “Бутун жаҳон ҳамжамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа”, деб белгилаши, ислом динининг эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатлар тарбиясига даъватдир. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Президентининг БМТ 2017 йил 72 сессиясида “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясини қабул қилиш ҳақидаги таклифи 2018 йилда халқаро сиёсий маконда яқдиллик билан қабул қилинганлиги Ўзбекистон ва дунё халқлари сиёсий, маънавий ҳамда диний ҳаётида муҳим воқелик бўлди. Шу нуқтаи назардан, мамлакатда тарихий-маданий мерос, шу жумладан диний қадриятларга бўлган эътибор янги босқичга кўтарилди.

Тадқиқотчилар муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳларни асосан уч турга бўладилар. Булар қуйидагилардир:

- 1) Халқаро аҳамиятга молик зиёратгоҳлар;
- 2) Республика аҳамиятига молик зиёратгоҳлар;
- 3) Маҳаллий аҳамиятга молик зиёратгоҳлар [12. 2014 й, 2017 й].

Ҳар уч турга мансуб зиёратгоҳлар ҳам муқаддас зиёратгоҳлардаги авлиёлар култига этиқод қилиш одамларни харом-хариш йўллардан узоқ юришга инсофли-диёнатли бўлишга, ўзидан фақат яхшилик қолдириш сингари ҳайрили ишларга ундаб келган. Уларда тарбия – одоб ахлоқ, ўзаро дўстона муносабатлар, қариндош, ота-она ва фарзандларининг ҳақ-ҳуқуқлари, меҳр оқибат, ҳаллоллик, адолат сингари инсоний қадриятларни улуғлашга ундаб келган.

Зиёратгоҳлар азалдан кишилар онгида маънавиятни шакллантириш, эзгулик манбаи сифатида кишиларни меҳр муравватга чорловчи илоҳий куч вазифасини ўтаб келган. Айниқса, яшашдан умидини узиб, ҳаётга бефарқлик билан қарай бошлаган инсонлар учун муқаддас жойлар сўнгги умид манзили бўлиб хизмат

килади. Демак зиёратгоҳларни сақлаб қолиниши маънавий меросимизни асраб аввайлашда муҳим аҳамият касб этади.

Янгиланаётган Ўзбекистонда ушбу йўналишда олиб бориладиган илмий тадқиқотларни янада жадаллаштириш нуқтаи назаридан юритимиздаги ҳар бир зиёратгоҳ ва бошқа тарихий объектларнинг ўрганишнинг сифат босқичи бошланди. Уларни тарғиб этиш билан биргаликда мамлакат иқтисодий имкониятларини кенгайтириш стратегиялари ишлаб чиқилмоқда. Улар нафақат илмий-тадқиқот, балки туризм марказларига айланаётгани ва хорижлик сайёҳларнинг қизиқиши ортаётгани билан ҳам изоҳланади. Бу келажакда мамлакат иқтисодий-маънавий потенциалининг ўсишига, жаҳон саҳнида ўзбек халқи миллий-маънавий меросининг тарғиб этилиши ва шу билан унинг тарихдаги ролини очиб беришга қўйилган катта қадам бўлади.

3. Хулоса:

Умуман, Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантириш ҳар жиҳатдан мувофиқлаштирилган комплекс ёндашувни талаб қилади. Бу ишга алоқадор барча манфаатли ташкилот ва муассасаларни жалб қилиш лозим. Шундангина зиёрат туризмини ривожлантириш жараёнида юз бериши мумкин бўлган хатоликларнинг олди олинади. Айниқса, асосий фаолияти зиёрат туризми булган, корхона ва ташкилотларга алоҳида эътибор бериш лозим. Бизнингча, мазкур корхона ва ташкилотларни ривожлантириш давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватланиши зарур. Бу масала, зиёратгоҳлар фаолиятларини лицензиялаш ва руйхатга олиш, бу ерларда зарур инфраструктура муаммоларини хал қилишдан иборатдир.

Шу ўринда соҳада айрим ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд эканлигини, улар қаторида зиёратчилар учун етарли шарт-шароитларнинг етарли эмаслиги, қўллаб зиёратгоҳларнинг санитария-гигиена ва экологик ҳолатининг қониқарли эмаслиги, у ерда оддий шарт-шароитларнинг йўқлиги, айрим зиёратгоҳларга олиб боровчи йўл тармоқлари, айниқса автомобил йўлларининг

умумий ҳолати талаб даражасида эмаслиги, халқаро зиёртачиларни кутиб олиш, уларга сервис хизматлари кўрсатиш, маҳаллий таржимонларнинг етишмаслиги кабиларни келтириб ўтиш мумкин. Бизнингча, истиқболда мамлакатда зиёрат туризмини ривожлантиришнинг муҳим омиллари сифатда қуйидаги таклифларни илгари суриш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, зиёрат туризмнинг стратегик дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизнинг зиёрат туризмини халқаро доирада ривожлантириш бўйича тавсиялар ва хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини ўз ичига олган ахборот-маълумотлар базасини яратиш;

Иккинчидан, зиёрат туризмнинг устувор халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилашга тўсқинлик қилаётган мавжуд муаммоларнинг тизимли таҳлилини олиб бориш, уларни ҳал этиш бўйича таклифлар бериш ҳамда ушбу йўналишда устувор режалар ишлаб чиқиш;

Учинчидан, зиёрат туризмнинг инвестициявий ривожланиш моделларини ишлаб чиқиш, дунёнинг етакчи халқаро таҳлил ва илмий-тадқиқот муассасалари билан алоқаларни мустаҳкамлаш, *миллий зиёрат туризми брендини* яратиш, маҳаллий ва хорижлик туристларни юртимизга ташрифи учун янад кенгрок имкониятлар яратиш, соадаги жадал ўзгаишларни доимий равишда оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш каби жиҳатлар алоҳида ўрин тутади.

Адабиётлар:

1. “Зиёрат туризми бўйича биринчи халқаро форум”. Бухоро. 2019 йил 22 феврал. <https://www.gazeta.uz>.
2. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т., 2006. -Б 95.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ, 2006.– Б.148.
4. <https://azon.uz/content/views/ziyosat-turizmi-islomiy-turizm-diniy-tur>
5. Бабкин А. Специальные выды туризма. Учебное пособие. – Ростов на Дону: Советский спорт, 2008. – С. 11-12; Яна қаранг: Словарь тур терминов // <http://uletaemru.ru>.
6. Ўзбекистон Республикасининг маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 180-модда; // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.

7. Акчаев Ф. Жиззах воҳаси муқаддас қадамжолари ва зиёратгоҳлари. (Этносоциологик тадқиқот). Тарих фани бўйича фалсафа докт диссертация. -Т.. 2019. – Б 55.

8. Ўзбекистон Республикасининг маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 180-модда.

9. Ўзбекистон Республикасининг маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 180-модда.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Янги Ўзбекистон”. Т., 2020 йил 30 декабрь

11. Абидова З. Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари ва қадамжолари. Тарих фани бўйича фалсафа докт диссертация. Тошкент, 2018., Акчаев Ф. Жиззах воҳаси муқаддас қадамжолари ва зиёратгоҳлари. (Этносоциологик тадқиқот). Тарих фани бўйича фалсафа докт диссертация. -Т.. 2019.

12. Эралиев Б. ва бош. Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари (Андижон ва Наманган вилоятлари). Т.: “Турон замин зиё”. 2014., Ўша муаллифлар: Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари (Фарғона вилояти). 1-китоб. – Тошкент: Turon Zamin Ziyو. – 2014., Ўша муаллифлар Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари. (Сирдарё ва Жиззах вилоятлари). 4-китоб. – Тошкент: Turon Zamin Ziyو. – 2017.